

ОЗУҚАБОП ГАЛОФИТЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Ортикова Лола Соатовна-ЖДПУ дотценти

Абророва Кумуш Мухаммад кизи ЖДПУ стажёр тадқиқотчи

Аннотация: Яйловлар ҳосилдорлигини оширишда ўтказилган тажрибаларда ўрганилган галофитларнинг иқтисодий самарадорлиги ва уларни фитомелиорациялаш иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги ўрганилиб таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: яйлов, фермер, самарадорлик, ўсимлик, иқтисодий, рентабеллик, галофит, фитомелиорация.

Аннотация: Изучена и проанализирована хозяйственная эффективность галофитов и хозяйственная полезность их фитомелиорации. Яйловлар ҳосилдорлигини оширишда ўтказилган тажрибаларда ўрганилган галофитларнинг иқтисодий самарадорлиги ва уларни фитомелиорациялаш иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги ўрганилиб таҳлил қилинган.

Ключевые слова: пастбище, фермер, продуктивность, растение, хозяйственный, рентабельность, галофит, фиторемелиорация.

Abstract: The economic efficiency of halophytes and the economic usefulness of their phytomelioration have been studied and analyzed.

Keywords: pasture, farmer, productivity, plant, economic, profitability, halophyte, phytoremelioration.

Яйловлар ҳосилдорлигини оширишда уларни фитомелиорациялаш иқтисодий жиҳатдан самарали тадбирлар ҳисобланади. Озуқабоп галофитларни етиштириш ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдали тадбирлардан бири ҳисобланади. Олинган иқтисодий самарадорлик натижалари фермер хўжалиги ёки масъуляти чекланган жамиятларнинг келгусида иқтисодий тадбирларни режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўтказилган тажрибаларда ўрганилган галофитларнинг ҳар бир турларини етиштиришнинг рентабеллик даражаси юқори кўрсаткичларга эга бўлиши ҳисоб-китобларда аниқланди.

Қуйидаги 1-жадвалда қуйровуқ ўсимлигининг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган.

Қуйровуқ ўсимлиги шўрланган яйловлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўсимликни етиштириш учун бир марта сарфланадиган харажатлар жами 1480050 сўмни ташкил қилади Экинзорлардан фойдаланиш эса ўсимликларнинг иккинчи ёшидан бошланади ва ўртача пичан ҳосилдорлигини 26,40ц/га деб белгилаганимизда, ҳозирги кунда 1 кг дағал пичан 1000 сўм деб баҳолаганда, 1,0 га ердан 2640000 сўмлик пичан ҳосили олинади. Қуйровуқни етиштиришдан олинadиган соф фойда 1159950 сўмдан иборат бўлиб, рентабеллик даражаси 78,4% ни ташкил қилади.

1-жадвал

Қуйровук ўсимлигининг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Қуйровук		
		Миқдори (дона, га, кг, литр)	Бирлик товар нархи, сўм	Жами, сўм
1	Ерга ишлов бериш (шудгорлаш, молалаш)	50 л, ёқилғи	6500	325000
		5 л, мойлаш маҳсулотлари	8000	40000
2	Уруғлик	7	50000	350000
3	Экиш харажатлари	1,0 га		200000
4	Пичан ҳосилини йиғиб олиш			350000
5	Жами харажатлар	1,0 га		1265000
6	Қўшимча харажатлар		17%	215050
7	Барча сарф харажатлар			1480050
8	Пичан ҳосилдорлиги	2640	1000	2640000
9	Олинган жами даромад			2640000
10	Соф фойда			1159950
11	Рентабеллик даражаси			78,4

Чўғон ўсимлигини етиштириш учун бир марта сарфланадиган харажатлар жами 1597050 сўмни, ўртача пичан ҳосилдорлигини 25,9 ц/га ни, ҳозирги баҳоларда 1 кг дағал пичан 1000 сўм деб баҳолаганда, 1,0 га ердан 2590000 сўмлик пичан олинади. Олинадиган соф фойда 992950 сўмни, рентабеллик даражаси 62,2% ни ташкил қилади (2-жадвал).

Озуқабоп галофитлар экиладиган майдонлар плуг билан ишлов берилганда яъни 20-25 см чуқурликда ҳайдалганда барча ўсимликлар сингари чўғон ўсимлигининг ҳам туп сонининг юқори бўлиши билан бирга, ўсимликлар қулай шароитда ўсганлиги туфайли уларнинг бўйи баланд, пичан ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлган. Бу эса ўз навбатида озуқабоп галофитларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган.

2-жадвал

Чўғон ўсимлигининг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Чўғон		
		Миқдори (дона, га, кг, литр)	Бирлик товар нархи, сўм	Жами, сўм

6.980

1	Ерга ишлов бериш (шудгорлаш, молалаш)	50 литр дизел ёнилғи	6500	325000
		5 литр мойлаш маҳсулотлари	8000	40000
2	Уруғлик	9	50000	450000
3	Экиш харажатлари	1,0 га		200000
4	Пичан ҳосилини йиғиб олиш			350000
5	Жами харажатлар	1,0 га		1365000
6	Кўшимча харажатлар		17%	232050
7	Барча сарф харажатлар			1597050
8	Пичан ҳосилдорлиги	2590	1000	2590000
9	Олинган жами даромад			2590000
10	Соф фойда			992950
11	Рентабеллик даражаси			62,2

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, терескен ўсимлигини етиштириш учун бир марта сарфланадиган харажатлар жами 1597050 сўми, ўртача пичан ҳосилдорлигини 24,5 ц/га ни, ҳозирги баҳоларда 1 кг дағал пичан 1000 сўм деб баҳолаганда, 1,0 га ердан 2450000 сўмлик пичан олинади. Олинадиган соф фойда 852950 сўми, рентабеллик даражаси 53,4% ни ташкил қилади (3-жадвал). Терескен кўп йиллик ўсимлик бўлганлиги сабабли кейинги йилларда ушбу ўсимликдан иборат яйловларнинг иқтисодий самарадорлиги янада ортиб боради. Бу эса хўжаликни иқтисодий прагнолаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

3-жадвал

Терескен ўсимлигининг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Терескен		
		Миқдори (дона, га, кг, литр)	Бирлик товар нархи, сўм	Жами, сўм
1	Ерга ишлов бериш (шудгорлаш, молалаш)	50 литр дизел ёнилғи	6500	325000
		5 литр мойлаш маҳсулотлари	8000	40000
2	Уруғлик	9	50000	450000

6.980

3	Экиш харажатлари	1,0 га		200000
4	Пичан ҳосилини йиғиб олиш			350000
5	Жами харажатлар	1,0 га		1365000
6	Қўшимча харажатлар		17%	232050
7	Барча сарф харажатлар			1597050
8	Пичан ҳосилдорлиги	2450	1000	2450000
9	Олинган жами даромад			2450000
10	Соф фойда			852950
11	Рентабеллик даражаси			53,4

Ушбу иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинган ўсимликларнинг рентабеллиги турлича бўлиб, энг юқори рентабеллик даражаси макка супурги ўсимлигида кузатилиб 95,5% ташкил этган ҳолда қуйровук, чўгон терескен ўсимликлари рентабеллик даражасидан мос равишда: 17,1; 33,3; 42,1; 70,6 фоизга юқори кўрсаткичларни қайд этмоқда. Умуман олганда қуйровук, чўгон терескен ўсимлигидан барпо этилган яйловлар иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини ҳулоса қилишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Махмудов М.М., Гафурова Л.А., Шарипов О.М., Халилов Х.Р ва бошқалар. Чўл ва адир минтақалари шароитида маҳсулдор яйловлар барпо этиш технологиялари (фермер учун тавсиялар). -Тошкент, 2014. Б. 24
2. Махмудов М.М., Хаитбаев Р. Қизилқум яйловлари ҳолатини яхшилаш усуллари (тавсиялар). -Тошкент, 2008. Б. 34
3. Методика опытов на сенокосах и пастбищах. -М.: "Сельхозгиз", 1971. –С. 114-143
4. Махмудов М.М. Улучшение пастбищ Кызылкум. -Самарканд, 2010. –С. 237.
5. Раббимов А., Мукимов Т. Чўл яйловларидан рационал фойдаланиш ва ҳосилдорлигини оширишга оид тавсиялар. -Тошкент, 2012. Б. 42
6. Раббимов А., Хамроева Г. Чўл озуқабоп ўсимликлари интродукцияси ва селекцияси бўйича услубий тавсиялар. –Самарканд, 2016. Б. 42.
7. Умирзоқов А.У. Янги ем-хашак экинлари етиштиришнинг илмий асослари /Монография. –Самарканд, 2017. Б. 232.